

ШАРҲ:

Хоразм ПХҚТМОИ ўқитувчиси Кушчанова Гуламдон томонидан ишлаб чиқилган “Умумий ўрта таълимни ташкил қилиш, унинг меъёрий – ҳуқуқий, меъёрий – услубий ҳужжатлари” мавзусидаги маъруза турли тоифадаги Миллий истиклол гоёси фани ўқитувчилари малакасини ошириш 24, 18 кунлик курси учун мўлжалланган. Мавзунинг давомийлиги 4 соат. . Мавзунинг мақсади: Умум ўрта таълимни ташкил этишдан кўзланган натижа ва мақсад. Умумий ўрта таълимнинг асосий мақсади нимадан иборат эканлигини ўргатиш

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги, аҳвол амалга оширилаётган ислохатла-римизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир.

И. А. Каримов.

Мавзу: Умумий ўрта таълимни ташкил қилиш, унинг меъёрий – ҳуқуқий, меъёрий – услубий ҳужжатлари.

- А) Мавзунинг долзарблиги:** Ҳозирги кунда ўрта таълимни ташкил этишни ва уни услуби, меъёрий ҳужжатлари билан таништириш муҳимлигини ўрганиш.
- Б) Илмий назарий асосларидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчилар билимини яна чуқурроқ таҳлил қилишга ундайди.**
- С) Йўналишлари.** Ўқитувчиларни яна мустақил ўз устида ишлашга янгиликлар яратиш, кашфиётлар қилишга янгиликларни очишга йўналтиради.
- Д) Тадқиқот ва таҳлил ишлари.** Ўқитувчи ҳар бир ўтаётган дарсида янгиликларни қўллаш атроф муҳит, миллий кадриятлар, анъаналаримиз билан дарсини боғлаб ўтиши ва шу асосида тадқиқотлар қилишга ҳаракат қилиш керак.
- Е) Амалиётга тадбиқ этиш юзасидан тавсиялар баёни.** Ўқитувчи ҳар бир ўтган дарсини турмуш билан боғлай олиши ва фанда эришган ютуқларини амалда қўллай билиши, дарс жараёнида маҳаллий материаллардан фойдалана билиши керак.
- 2. Кутилган натижа:**
- Ўқитувчи ва ўқиш жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш, мактаб, мактабдан ташқари синф ва синфдан ташқари ишларини ташкил қилишди юқоридаги умумий ўрта таълим қонунини асос қилиб олиш зарур.

Режа:

1. Умумий ўрта таълимни ислоҳ қилиш тўғрисида
2. ДТС талабларини ишлаб чиқиш.
3. Дарсликлар ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш.
4. Таълим тўғрисида қонун ҳужжатлар.
5. Таълим муассасининг ҳуқуқий макони.
6. Тест топшириқлари.
7. Фойдаланилган адабиётлар.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 13 майда қарор қабул қилади. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, умумий таълим мактабларининг ўқитиш дастурини ислоҳ қилиш 9 йиллик умумий ўрта таълимни сифат жиҳатидан янги тизимни яратиш унинг ўрта махсус, касб ҳунар таълими билан давомийлигини ва узвий воғлиқлигини таъминлаш мақсадида **Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки умумий ўрта таълимнинг **(мактабни I-IX синфлари)** таълим дастурлари.

Ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, асосий ўқув илмий ва умуммаданий билимларни шакллантиришни:

Ўқувчиларда меҳнат кўникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф оламга онгли муносабатни ҳосил қилади. Миллий ва умум башарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида маънавий – ахлоқий фазилатларини тарбиялаши, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқорони шакллантиришни I-IX синфлар дастурини академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлардаги ўқитиш дастурлари билан боғлиқлигини таъминлаш лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги **1998 йил 1 августга қадар** Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **умумий ўрта таълим давлат таълим стандартларини** ишлаб чиқиш, унда тайёрлаш сифати таълим мазмунига талабларни белгилашни; Ўқувчиларни тайёрлаш учун маъқул бўлган зарур ўқув фанларини, таълим дастурларини ва ўқув соатлари ҳажмларини шакллантиришни; мактабни битирувчиларга нисбатан малака талабларини белгилашни; таълим муассасаси (мактаб) фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқишни Назарда тутсин; **1998-1999 ўқув йили** давомида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини синфдан ўтказишни таъминлаш; **1999 йил 1 июлгача қадар** синов натижаларини ҳисобга олган ҳолда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини пухта ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин; **1999-2000 ўқув йилидан бошлаб** умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини умум таълим мактабида ўқитиш дастурлари билан биргаликда жорий этилишини таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги **1998 йил 1 сентябргача қадар** – умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқариш билан бир пайтда унинг асосида умум таълим мактаблари учун тажриба ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда 10-11 синфлар ўқув юкламаларини ва дастурларининг тегишли равишда 5-6 синфлар ўқув дастурларига, шунингдек, академик лицейлар ва касб – ҳунар коллежларига ўтказилишини назарда тутсин. **1998-1999 ўқув йили** мабойнида кўрсатиб ўтилган ўқув дастурларини умум таълим мактабларида тажриба тариқасида синаб кўрсин. 1999 йил июлгача тажриба ўқув дастурлари жорий этиш тажриба тариқасида кўриш, педагог ходимларга юклатилсин.

5. Тажриба синов дарсликларини ишлаб чиқиш ва уларни синаб кўриш устида Назорат ўрнатишни ишчи гуруҳ тузилсин комиссия ва ишчи гуруҳга она тили, адабиёт, тарих, математика, физика, кимё, биология ва бошқа фанлар бўйича ўқув дастурлари тайёрлаш, шунингдек уларни республикада синаб кўрилиши учун жавобгарлик юклансиню 1999 йил 1 августга қадар 9 синф учун дарсликларни тайёрлаш дастур топшириқларни ишлаб чиқишни таъминлашю дарсликлар тайёрлаш бойича шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Давлат матбуот қўмитаси раиси зиммасига юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими Вазирлиги билан биргаликда ўрта мактабда янгича услубда ўқитиш услубларини ишлаб чиқсин. **1999-2000 ўқув йилидан бошлаб** талабаларни тайёрлаш дастурига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Давлат тест маркази: 1998 йил 1 августга қадар таълим муассасалари ходимлари умум ўрта таълим раҳбар ходимларини педагог кадрларни даврий равишда аттестасиядан ўтказиб тузиш тартибини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига кирилсинлар. **1998 йил 1 сентябрдан 5-9 синф ўқувчиларини рейтинг тизими тўғрисида Низом ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлатсинлар.**

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги **1998 йил 1 сентябрга қадар** ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик психологик ташҳис марказларини ташкил қилсинлар ва уни икки ҳафта мабойнида низомини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлатсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умум ўрта таълим моддий техника базасини тайёрлашни, ўқувчилар учун зарур санитария – маиший ва ижтимоий шараитларни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Устоз» жамғармаси ўқитишнинг илғор усулларини замонавий педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқаётган ва улардан фойдаланаётган умумий ўрта ва олий таълимнинг илғор таълим муассасалар негизига умумий ўрта мактаблар ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этишлар ва уларни мунтазам ишлашини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан бирга ҳар йили мактаб ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш лозим.

12. Мазкур қарорни бажарилишини Назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Азизхўжаевга юклансин.

Вазирлар маҳкамасининг Раиси И. А. Каримов.

I. Умумий қоидалар.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлар.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат Қорақолпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Агар . Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

1. Ушбу қонуннинг мақсади:

Ушбу қонун фуқороларга таълим тарбия бериш, касб – ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди, ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари. Таълим . Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изоҳлилиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежда ўқишнинг танлашни ихтиёрийлиги;
- таълим тизимини дунёвий характерда эканлиги.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи. Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий, мансублиги, эътиқоди динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатий назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар қафолатланади. Билим олиш ҳуқуқи.

5-модда. Педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи. Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Педагог ходимларни олий ўқув юртига ишга

олиш Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади. Судланган педагог бу фаолият билан шуғулланиши ман этилади.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми. Таълим муассасасининг аккредитациялаш ваколатлари давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга ошириш ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади.

7-модда. Давлат таълим стандартлари. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбуриятдир.

8-модда. Таълим бериш тили. Таълим муассасалари таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади.

II Таълим тизимини ва турлари.

9-модда. Таълим тизими. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Давлат таълим стандартига мувофиқ, таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари.
- Давлат тизимининг фаолият кўрсатиш ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий педагогик муассасалар Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари. Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда оширилади.

- мактабгача таълим
- умумий ўрта таълим
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим
- олий таълим
- олий ўқув юртидан кейинги таълим
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
- мактабдан ташқари таълим

11-модда. Мактабгача таълим, 12-модда. Умумий ўрта таълим. Умумий ўрта таълим босқичлари.

Бошланғич таълим (I-IV синфлар)

Умумий ўрта таълим (I-IX синфлар)

Мактабни биринчи синфига болалар 6-7 ёшдан қабул қилиш. Болаларни қобилятини, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади.

13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида, академик лицейга ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишининг ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

14-модда. Олий таълим. Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий таълим икки босқичда давлат томонидан тасдиқланган. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан даллилашувчи бкаолавриант ва магистратурага эга фуқоролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим. Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим. Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар, маданий – эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари

таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Бу эса қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш. Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга қўмаклашади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар. Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (**шоҳадатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома**) берилади.

III – Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларга ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш. Таълим муассасаси ходимларига иш вақтини қисқартирилган муддати белгиланади ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

22-23-модда. Етим болаларнинг ва ота-оналарнинг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз болаларни ўқитиш. Жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш. Бундай ўқувчиларни қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шихслар учун ўқув тарбия муассасалари. Алоҳида шартларда тарбиялаш ва ўқишга муҳтож болалар ва ўспиринлар учун алоҳида ўқув – тарбия муассасалари ташкил қилиш.

IV. Таълим тизимини бошқариш.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари;

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таълим муассасаларини ташкил этиш қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш. Таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш. Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш, давлат томонидан тасдиқланган натижадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради. Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш таълим муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларида уларга раҳбарлик қилиш.

Ўқитишнинг илғор шакллари ва педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш. Ўқув ва услубият адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш. Педагог ходимларни тайёрлашни, уларни малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлар. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тассаруфида бўлган муассасалар бундан мустасно) уларнинг уставларини рўйхатга олади. Таълим сифатига ва даражасига педагог ходимларни касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этишини таъминлайдилар.

28-модда. Таълим муассасасини бошқариш. Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этиши мумкин.

29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлар билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги муносабатлар. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади. Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларни фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхталиб қўйишга ҳақли. Нодавлат таълим муассасаларига қараб давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

V. Яқунловчи қондалар.

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари. Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари, шарт, ҳамда уларнинг тарбияси мактабгача, умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълим олишлари учун жавобгардирлар.

31-модда. Таълимни молиялаш. Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари. Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик. Таълим муассасалари, таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айибдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

И. Каримов

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри. 1997йил 29 август.**

Таълим тўғрисидаги қонун V – бўлим 34 моддадан иборат.

Мавзуга доир тест топшириқлари.

1. Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун нималар зарур.

- А) Мактабнинг I-IX синфлари учун Давлат талаби асослари
- Б) Аниқ мақсадли режа зарур
- С) академик лицей билан касб-ҳунар коллежларини боғлиқлиги зарур

- Д) Малакали педагоглар, режалар, дастурлар, ўрта мактаблар зарур
- Е) Сифатли ДТС ишлаб чиқариш, амалда қўллаш академик лицей, касб-хунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурини боғлиқлиги малакали педагог.

2. Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонунини мақсади нимадан иборат?

- А) Комил инсон, ривожланган шахсини тарбиялаш
- Б) Қонун асосида билим олиш
- С) Ўқувчи ўз ҳақ ва ҳуқуқларини билиш
- Д) Таълим – тарбия беришни ҳуқуқий асослари касб-хунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларидан билим олиш ҳуқуқига эга эканлигидан иборат
- Е) Конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, билим олишдан иборат

3. Таълим тўғрисидаги қонун қанча боб ва қанча моддадан иборат?

- А) VII боб, 25 модда
- Б) V боб, 34 модда
- С) IV боб, 35 модда
- Д) V боб 24 модда
- Е) V боб, 31 модда

4. Таълим қонунинг нечанчи моддасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, қайта тайёрлаш кўрсатилган.

- А) 10 модда
- Б) 9 модда
- С) 5 модда
- Д) 28 модда
- Е) 16 модда

5. Таълим тўғрисидаги ҳужжатларга нималар киради?

- А) Давлат томонидан тасдиқланган гувоҳнома, паспорт, маълумот
- Б) Давлат томонидан тасдиқланган (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)
- С) Давлат томонидан тасдиқланган (аттестат, гувоҳнома, шаҳодатнома)
- Д) Давлат томонидан тасдиқланган (сертификат, аттестат, диплом, сертификат)

6. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими нималарни ўз ичига олади?

- А) Таълим тизимининг илмий педагогик муассасалари, таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари
- Б) Таълим тизимининг корхоналари, ташкилотлари, муассасалари
- С) ДТС га мувофиқ таълим дастурини амалга оширувчи давлат, нодавлат, илмий педагогик муассаса, таълим соҳасига қарашли корхона, массаса, ташкилотлар
- Д) Таълим тизимини, мактаб, боғча камолат ташкилотлари киради
- Е) Таълим тизимига, ўрта таълим, мактабгача таълим, касб-хунар таълими, олий таълим киради

7. Умумий ўрта таълим босқичлари қандай тартибда.

- А) Бошланғич таълим (I – IX синфлар) умумий ўрта таълим (I – X синф)
- Б) Мактабгача таълим, махсус таълим
- С) Мактабдан ташқари таълим, камолот, ёшлар ташкилоти
- Д) Бошланғич таълим (I – IV синфлар) ўрта таълим (I – IX синфлар) юқори (X – XI синфлар)
- Е) Мактабгача таълим, ихтисослашган таълим, касбга ёўналтириш.

8. Ўзбекистон Республикасида таълим қандай турларда амалга оширилади.

- А) Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий ўқув юртидан кейинги таълим, мактабдан ташқари
- Б) Мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юрти техникум
- С) Академик лицей, мактаб, касб-хунар коллеж, олий таълим
- Д) Касб-хунар коллежлари, мактаблар, тўғараклар, ёшлар ташкилоти
- Е) Махсус мактаблар, интернат, академик лицейлар, олий таълим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Олий таълим (Меъёрий ҳужжатлар тўплами) Тошкент 2001 йил
2. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш Тошкент 2000 йил
3. Таълим тараққиёти ойномаси № 1 1998 йил Тошкент
4. Табиий фанлардан Давлат талаблари Тошкент 1998 йил 5 январ
5-сон қарори.